2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 238 (1027), 2023 йил 16 ноябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## АҲОЛИНИ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича яхлит тизим жорий этиш мақсадида:

1. **Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш**нинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва **“оилавий тадбиркор — микробизнес — кичик бизнес — ўрта бизнес” занжири асосида** уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат дастурлари доирасида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ва бошқа ҳамкор тижорат банкларидан иборат **яхлит молиявий тизим** асосида қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорликка ўқитиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг барча босқичларида доимий ҳамроҳлик қилишни “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” МЧЖлар ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖда, шунингдек, ваколатли органлар ва тижорат банкларининг тадбиркорлик йўналишидаги электрон платформаларида (кейинги ўринларда — электрон платформалар) амалга ошириш.

2. **2024-2026 йиллар** учун “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ фаолиятининг **асосий мақсадли кўрсаткичлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

а) “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бўйича:

кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини **1,7 бараварга** ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан **43 фоиз**га етказиш;

кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами **800 миллион АҚШ доллари**гача миқдорда ресурслар жалб қилиш;

**300 миллион АҚШ доллари** миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш;

**150 мингта** кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш;

б) “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ бўйича:

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажмини 8 триллион сўмдан **14 триллион** сўмга етказиш;

**150 та** ўрта бизнес корхонасига улуш киритиш ва хизматлар ипотекаси асосида **300 та** лойиҳани тадбиркорлик субъектларига сотиш;

ўрта тадбиркорлик субъектлари сонини **2,5 баравар**га ошириш;

Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР



## ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК, ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ТУЗИЛМАДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

**Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти улкан иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланди. Унинг мақсади савдо ва транспорт коммуникациялари соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.**

**Ўтган ҳафта пойтахтимизда Ўзбекистон раислигида ушбу ташкилотнинг ўн олтинчи саммити бўлиб ўтди. “Ҳамкорликдаги иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида ўтган халқаро даражадаги мазкур йирик анжуман ҳамкор давлатларнинг ИҲТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш учун ўзига хос платформа яратганини алоҳида қайд этиш зарур. Ташкилотнинг БМТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига эгалиги ҳам унинг халқаро нуфузини кўрсатиб беради.**




Мамлакатимиз мазкур халқаро тузилма доирасидаги шериклар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни ошириш, хорижий шериклар билан саноат кооперациясини чуқурлаштириш, минтақада транспорт йўлакларини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланиш ва янгиларини яратиш Ўзбекистон ва хорижий шериклар ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Мамлакатимиз расмий делегациялари ИҲТ-га аъзо давлатлар транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари йиғилишларида фаол қатнашиб келмоқда.

Давоми 3-бетда

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

## ДУАЛ ТАЪЛИМ талабага нега керак? ОТМГА-ЧИ?



**Давлатимиз раҳбари ўтган йил 28 июнида пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида янги ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-4 курс талабаларини ўқитишда дуал таълим тизимини жорий қилиш бўйича топшириқ берган эди. Унга кўра, ҳафтанинг уч кунида назарий дарслар, қолган уч кунида тўқимачилик технопарки ва корхоналарда амалий машғулотлар асосида ўқитиш тизими жорий қилинадиган бўлди.**



Аслида, дуал таълим қандай тизим? Ўзбекистонда, айнан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бу тизимни қўллашдан кўзланган мақсад нима? У қандай натижа беради?

Анъанавий таълим шаклида талабалар институтда назарий билимларни кўпроқ эгаллаб, амалиёт қисмини корхона ва ташкилотларда нисбатан камроқ соатларда ўтайди. Бу усулда тайёрланган муҳандис-технологларнинг малакаси эса ҳозирги кунга келиб ишлаб чиқариш корхоналарининг талабига жавоб бермаяпти. Чунки қайси тадбиркор билан учрашмайлик, албатта, шуни таъкидламоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият тўқимачилик корхоналарида чет эллик технологлар ишламоқда. Уларга тадбиркорлар жуда юқори маош тўлайди. Шунинг учун ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ўрганилиб, ўқиш билан бир вақтда замонавий технология ва дастгоҳларда корхона, ташкилотларда ишлаш имконини берувчи дуал таълим шакли Ўзбекистон таълим тизимига кириб келмоқда.

Давоми 5-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



## ҒОЯЛАР ГЕНЕРАЦИЯСИДАН БИЗНЕСГАЧА

**Қизиқиш, савол қўйиш ва унга жавоб қидириш инсоннинг табиатида бор, генига сингиб кетган. Дунё цивилизациясига туртки бўлган алифбо, дастлабки кезларда баҳайбат машинага ўхшаш, асосий вазифаси космик учиш траекториясини аниқ ҳисоблаб бориш бўлган компьютер ёки оламшумул кашфиёт ва ихтироларнинг асл сабабчиси — китоб ҳам қизиқувчанлик сабаб кашф этилган. Статистик маълумотларга кўра, дунёда яшаб ўтган ихтирочиларнинг аксарияти ёшлардир. Турмуш тарзимизни яхшилаш, қийин вазифани ҳам осон уддалашга интилиши, муаммоларга янгича муносабати хаёлот олами чегара билмайдиган мазкур қатламни янги лойиҳалар сари ундайди.**

Инновацион фаолиятда энг қийин босқич — биринчи қадам. Салоҳиятига нисбатан ишончсизлик, нимадан ва қандай қилиб бошлашни билолмай қийналиш... Ҳар бир инноватор бу босқичдаги қўрқув ва ноаниқликларга дуч келади. Ёшлардаги таваккалчилик мана шу ўринда асқотади. Ҳикоямизнинг бугунги қаҳрамонлари ўзлари таҳсил олаётган йўналиш, фаолият юритаётган соҳада янгилик қилишга бел боғлаган. Тўғри, уларнинг ғоялари оламшумул бўлмаслиги мумкин, аммо татбиқ этилган соҳа ривожига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Давоми 4-бетда

16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

## “ЎЗБЕКИСТОНДАДИР БАХТИМ, ТОЛЕИМ”

**Чорак асрдан ошибдики, ҳар йили ноябрь ойининг 16-санасини бутун дунёда Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаш яхши анъанага айланган. Шу муносабат билан бу йил ҳам Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида юртимиз бўйлаб “Бағрикенглик ҳафталиги” ўтказилмоқда.**

Катта томоша майдонлари, хиёбонлар ва истироҳат боғларида маданий, маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган ҳафталикка Тошкентдаги “Янги Ўзбекистон” боғида турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари иштирокида Мустақиллик монументига гулчамбар қўйиш билан старт берилди.

“Янги Ўзбекистон китоб ва кутубхонадан бошланади” китоблар кўргазмаси ва “Ўзбекистондадир бахтим, толеим” тўпламининг тақдимоти ҳафталикнинг диққатга сазовор тадбирларидан бўлди. Кўргазмадан ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ва рус тилларида нашр этилган китоблар жой олган бўлса, тўпламга шу тилларда ижод қилувчи шоир ва ёзувчиларнинг ўзбек тилига ўгирилган шеър ва ҳикоялари жамланган.

Давоми 6-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## БУГУН ТАЛАБ ВА ТАКЛИФЛАР ЎЗГАРДИ

### Хомашёдан тайёр маҳсулотгача

Олтиариқлик деҳқонлар пахта тайёрлаш шартнома режасини ошириб бажарди. Мавсумда 5 минг 870 гектар ерда деҳқончилик қилган миришкорлар уйган пахта хирмони 22 минг 300 тоннадан ошди. Авваллари бу миқдордаги ҳосилни етиштириш учун 6300 гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилинган. Гектарлар ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 38 центнерга етди. Бу ўтган йилларга таққослланганда 8 центнерга кўп.

Бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Ҳосилдорлик гектарларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар самараси сифатида баҳоланмоқда.

Гап шундаки, пахтачиликда йўлга қўйилган кластер тизими ўз натижасини бермоқда. Кластер экин майдонларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш, техника, ёқилғи, сара уруғ етказиб бериш, фосфорли ва азотли ўғитлар билан таъминлаш, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига бош-қош.

Олтиариқда “Hamza ekspo tekstil” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилганига уч йил бўлди. Бу вақт оралиғида кластер ва хомашё етказувчи фермер хўжаликлари иш фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, деҳқонлар манфаатини ошириш орқали пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**300 миллион АҚШ доллари** миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш.

3. Қуйидагилар:

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) **1-иловага** мувофиқ таркибида;

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар **2-иловага** мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

4. Республика комиссияси (Қўчқоров) **2023 йил 15 декабрга қадар**:

ҳудудлар ва давлат дастурлари йўналишлари кесимида 2024 йилда **2 миллион** аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичларини;

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ фаолиятининг **асосий мақсадли кўрсаткичларига** эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни (тармоқ жадвалларини) тасдиқласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов, Марказий банк раиси ўринбосари А.А.Турдалиев ва ўзларига бириктирилган ҳудудлар бўйича Республика комиссияси аъзолари зиммасига аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзолари **бир ой муддатда** ўзлари бириктирилган ҳудудда ҳар бир туман ва шаҳарга чиққан ҳолда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ташкил қилсин.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Вафаев) **бир ой муддатда** "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ-га жами **300 миллион АҚШ доллари** миқдорида, шу жумладан:

**75 миллион АҚШ доллари** "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг устав капиталини оширишга;

**225 миллион АҚШ доллари** субординар қарз сифатида **15 йил** муддатга, **5 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **5 фоиз** ставкада маблағлар ажратсин.

6. Белгилансинки:

а) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига "**ягона дарча**" тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖ-лар ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖнинг вакиллари белгиланган тартибда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари биноларига жойлаштирилади;

б) Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев) **ҳар ҳафта**:

маҳаллаларга чиққан ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат дастурларида кичик ва ўрта бизнес учун белгиланган молиявий имкониятлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

"Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖларда намунавий қўлланмалар асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ўтказиб боради;

салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини аниқлаб, "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖларга ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖнинг вакилларига уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тавсиялар беради.

7. Белгилаб қўйилсинки, давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида **2024 йил 1 июлдан** бошлаб:

кредит ажратишнинг барча босқичлари (аризани кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш, кафиллик бериш ва кредит ажратиш) рақамлаштирилган ҳолда электрон платформаларда амалга оширилади;

кредит таъминотларини назорат қилиш, гаровга олинган мулкларни тақиқдан тўлиқ ёки қисман чиқариш ҳамда алмаштириш жараёнлари электрон платформалар орқали марказлашган ҳолда ташкил қилинади;

ахборот технологиялари ёрдамида мижозлар бизнес-режалар асосида фаолият юритиши, пул оқимлари ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали хатарларни олдиндан аниқлаш механизми амалиётга киритилади;

давлат дастурлари доирасида туман (шаҳар) ва маҳаллаларга ажратиладиган кредитлар ҳажми юзага келган муаммоли кредитлар улушидан келиб чиқиб белгиланади.

8. **2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар** давлат харидлари махсус ахборот порталида давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни (маҳсулотларни) давлат буюртмачиларига бир молия йили давомида жами **10 миллиард сўмгача қийматда тўғридан-тўғри шартномалар** асосида сотишга рухсат берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш учун давлат харидлари махсус ахборот порталида алоҳида саҳифа ташкил этсин ва уни вазирлик ва идоралар маълумотлар базалари билан интеграция қилсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов):

Марказий банк (Турдалиев), "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ (Аннақличев), "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ, Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов) ва Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов), билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** давлат дастурларида назарда тутилган имкониятлар ва уларда иштирок этиш шартлари тўғрисида тақдимот материаллари ва видеороликлардан иборат намунавий қўлланмалар тайёрлаб, Республика комиссияси аъзолари ва ҳудудий комиссияларга етказилиши ҳамда электрон платформаларда жойлаштирилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 ноябрь

ЖАРАЁН

**"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили том маънода инсон қадрини улуғлашга, амалдаги эзгу саъй-ҳаракатлар эса унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугун барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда. Улар халқ хизматига сафарбар этилган. Бу эса халқ ҳокимиятчилигини изчил ривожлантириш орқали одамларни ўйлантираётган масалаларни маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб ўрганиш, уларни қонуний асосда ҳал қилишга имкон бераётир.**

# БИР УМРЛИК ОРЗУМ РЎЁБГА ЧИҚДИ

## энди икки хонали уйим бор, дейди деновлик Робия Боймирова

Бу борада Президентнинг виртуал қабулхонаси ҳамда вилоят, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналарининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхоналари ҳам вилоят секторлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширмоқда. Жорий йил бошидан буён виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган жами 104 695 та мурожаатдан 79 566 таси қаноатлантирилган, 8979 таси эса ўрганиш жараёнида.



— Авваллари одамлар ўз дарду ташвишини кимга айтишни билмай сарсон-саргардон бўларди, — дейди Президентнинг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Абдулҳаким Эшмуродов. — Катта-кичик идоралар эшигини қоқиб борган фуқаролар ойлаб, ҳатто йиллар давомида ўз мушкулига ечим топа олмасди. Бу эса аксарият масала ва муаммолар йиғилиб қолишига сабаб бўларди. Жойларда Халқ қабулхоналари ва секторлар фаолияти йўлга қўйилиши билан аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янги ва мукаммал тизими яратилди. Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган катта-кичик муаммоларни бирин-кетин бартараф этяпмиз. Одамларни рози қилиш, уларнинг муаммосини ҳал этиш доимий эътиборимиз марказида. Шунинг натижасида бизга йўлланаётган мурожаатлар сони ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 42,3 фоиз камайган.

Коммунал соҳада узоқ йиллар ўз ечимини кутган муаммолар маънан эскирган тармоқларни янгилаш ва таъмирлаш орқали бартараф этилмоқда. Жорий йилда вилоят Халқ қабулхонаси ҳамда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Термиз шаҳри ва 14 та туманда 81 200 хонадоннинг муаммоларини уйма-уй юрган ҳолда ўрганди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали томонидан Бандихон, Қизириқ, Музработ ва Сариосиё туманларида 1 тадан, Шеробод, Денов ва Узун туманларида 4 тадан, жами 12 та трансформатор пункти ҳамда 438 та симёғоч ўрнатилди. "Сурхондарё сув таъминоти" МЧЖ томонидан 8 та насос янгиланди, 42 таси таъмирланди. 1,03 километр ичимлик сув тармоғи тортилди, 4 та сув минораси қурилди ҳамда 6 километр оқова сув қувури тозаланди. Термиз шаҳри Намуна маҳалласидаги 448 та хонадонни табиий газ билан таъминлаш мақсадида 2,2 километр қувур тортилди.

Муаммоларни ҳал этишда доимий равишда ўтказилаётган сайёр қабулларнинг ўрни катта бўлмоқда. Жорий йилнинг 7 ойида Сурхондарё вилояти ва шаҳар ҳамда туманлар сектор раҳбарлари ўтказган 1894 та сайёр қабулда 18 263 фуқародан 19 388 та масала бўйича мурожаатлар келиб тушди.

Оммавий қабуллардан сўнг аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, 1363 киши иш билан таъминланди. 1281 кишига 4 миллиард 128 миллион 698 минг сўм имтиёзли кредит, 850 нафарига шифохонада бепул даволаниши учун йўлланма берилди. 409 хотин-қизга уй-жой билан таъминлаш ва таъмирлаш бўйича ёрдам кўрсатилди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 15 оиланинг уй-жойи таъмирланди, 8 таси янгидан қуриб берилди, — дейди вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Эркин Нарманов. — 40 оилага 700 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 638 оиланинг даромад манбалари яратилди. 569 оилага "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 12 миллиард 638 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу каби амалий ишлар одамлар турмуш тарзини яхшилаш имконини бераётир.

Энг савоблиси, Денов туманида боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, уй-жой харид қилиш учун тўлов қобилияти бўлмаган 35 фуқарога янги уй-жойлар қуриб берилди.

— Ўз уйим бўлишини бутун умр кутдим, — дейди деновлик Робия Боймирова. — Ниҳоят, орзум рўёбга чиқди. Ҳомийлар кўмаги билан менга барча шароитларга эга 2 хонали уй-жой қуриб беришди. Ёлғизликда, манзил-маконсиз кунларим энди ортда қолганидан, ўз уйим борлиги учун Яратганга шукроналар айтаман. Эшик тиқ этса, остонага чопаман. Ахир мени излаб кимдир уйимга келиши, уларни ичкарига таклиф этиш бахтини қалбимдан ҳис қиляпман. Бундай ҳис-туйғуларимни сўз билан ифодалай олмайман.

Инсон манфаатларини таъминлашга йўналтирилган бундай халқчил сиёсат одамларнинг бугунидан рози бўлиб, эртанги кунга катта ишонч билан интилишига туртки бермоқда.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# БУГУН ТАЛАБ ВА ТАКЛИФЛАР ЎЗГАРДИ

Бошланиши 1-бетда

Яқингача "оқ олтин" етиштириш ва хомашё экспорти бўйича олдинги сафларда эканимиз билан мақтанганмиз. Аслида эса минг машаққат билан етиштирилган ҳосилни сув текинга бериб юборганмиз. Кўкламдан кеч кузга қадар далада меҳнат қилган деҳқон мисқоллаб терган пахтасини бирламчи қайта ишлаш саноатига йўналтириш билан чекланган. Бугун ҳаёт, талаб ва таклифлар ўзгарди. Пахтачилик кластерлари аграр соҳанинг "драйвери"га айланди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пахта етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олган ислоҳотлар янги имконият эшикларини очмоқда, — дейди "Hamza ekspo tekstil" МЧЖ кластер хўжалиги раҳбари ўринбосари Илҳомжон Обидов. — Шу мақсадда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот сотиш йўналишида янги лойиҳаларни ишга туширяпмиз. Жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 108 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқ сармоя ҳисобига йиллик қуввати 35 минг тонна пахта тозалаш заводи, янги йигирув, тикув цехлари ташкил этилди. Эндиликда матоларга ранг бериш лойиҳасини амалга оширишни кўзлаб турибмиз. Бу мавжуд хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва экспортга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда янги имкониятлар яратади. Масалан, пахта толасидан бир кило оддий ип ишлаб чиқарилса, нархи бир доллар, тола тайёр маҳсулотга айланса, баҳоси уч-тўрт марта ортади. Энг муҳими, хомашё эмас, тайёр маҳсулотни бозорга чиқарамиз.

Дарҳақиқат, шундай. Ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар пахта толасининг умумий экспортдаги улушини сезиларли даражада камайтириш имкониятини беряпти. Энди тола эмас, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Дастлаб ип-йигирув ва тўқув йўналишида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхонада бугун пахтани чигитдан ажратиш, йигириш, тўқиш ва тикиш билан боғлиқ мустаҳкам занжир ҳосил қилиниб, 800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисмини "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари ташкил этади.

— Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор. Ишсизлигим боис, "Аёллар дафтари"да турардим, — дейди "Эски араб" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шоира Тўрақулова. — Тикувчилик малакасига эгаман, қишлоғимизда замонавий корхона йўқ эди. Шу боис, кластер қошида очилган янги тикувчилик цехига ишга таклиф қилишди, рози бўлдим. "Аёллар дафтари"дан чиқдим. Меҳнатимизга яраша даромад топяпмиз, бепул иссиқ овқат, ишга келиб-кетиш учун транспорт хизматлари йўлга қўйилган.

Маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган ётоқхона чойшаблари, хўжалик сумкаларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар Польша, Германия ва Россияга умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Йил охирига қадар бу борадаги кўрсаткич салмоғи 8 миллион долларга етказилади. Польша ва Россияда корхона савдо уйлари ташкил этилгани халқаро бозорда имконият кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

## 50 центнер сўнгги чегара эмас

"Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади" деган нақл бугун том маънода ўз аксини топмоқда. Соҳада яхши натижаларга эришиш учун, аввало, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни боқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш зарур. Кластер ва фермер хўжаликлари бу муҳим тадбирларга алоҳида эътибор қаратгани ютуқлар омили бўляпти. Яна муҳим жиҳатлардан бири, тупроқ ва иқлим шароитларига мос навларнинг танланганида. Эндиликда фермер сара уруғ, техника, минерал ўғит, ёқилғи ахтариб сарсон бўлаётгани йўқ. Кластер ҳамма нарсани дала бошига олиб келиб беряпти. Бу йилги мавсумнинг ўзида 10 та юқори унумли замонавий чигит экиш сеялкаси, 40 та культиватор, 4 та ҳайдов трактори харид қилинди. 16 нафар малакали агроном фермерларнинг яқин маслаҳатчисига айланган. Бу экинлар парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, ҳашаротларга қарши курашиш, ҳосилдорликни оширишда қўл келяпти.



— Мавсумда 117 гектар майдонда ғўзанинг "С 82-90" навини парваришлаб, гектаридан 50 центнерга яқин ҳосил териб олдик. Қабул пунктларига уйган хирмонимиз салмоғи 600 тоннага етди, — дейди "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари Нурилло Неъматов. — Бу якуний натижа эмас. Ҳали далаларимизда ҳосил бор. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, пахтачиликдан 3,5 миллиард сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибмиз. Бу янги техника ва технологиялар харид қилиш, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш, деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш имкониятини беради.

## Томчилатиб суғориш — ҳосилдорлик гарови

Пахтачиликда сувни тежовчи технологияларнинг жорий этилаётгани обиҳаёт сарфини камайтириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятни бермоқда. Бу самарали усул, айниқса, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда яхши натижа беряпти. Мавсумда тумандаги 1200 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилди. Бу харажатлар миқдорини тежаш билан бирга, ҳосилдорликни 10-15 центнерга оширди. Кластер ушбу йўналишда иш олиб бораётган ташаббускор фермерлар учун 40 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишида кафил бўлди.



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

— Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массивида деҳқончилик қиламиз, — дейди "Исмоил Нозимобод" фермер хўжалиги раҳбари Нозимжон Мадраҳимов. — Чўл ерларига сув олиб келиш жуда машаққат. Айни ёз палласида сув тақчиллиги сезилади. Вақтида сувга қонмаган ниҳоллар ҳосилни йўқотади. Шу сабабли, бир неча йил белгиланган режаларни бажара олмадик, самарадорлик пастлигича қолаверди. Кластер кафиллигида банкдан сармоя олиб, "Белконтитоур" МЧЖ кўмагида 11 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйдик. Ерларимиз ҳосилдорлиги ошди, фосфорли ва азотли ўғитлар сарфи икки ҳиссага қисқарди. Мавсум давомида 150 тонна пахта териб олдик. Ўтган йилларда 20-25 центнерга етказиб ҳосил берган пайкаллардан эндиликда 35-40 центнердан хирмон кўтардик. Бундан ташқари, механизация билан боғлиқ ортиқча харажатлар камайгани даромадимиз салмоғини оширди.

## Қўшимча тармоқ имкониятлари

Пахта-тўқимачилик кластери фақат пахта етиштириш ва қайта ишлаш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Қувасой шаҳридаги "Пакана" маҳалла фуқаролар йиғинида 2 гектар майдонда гидропоника усулида помидор етиштирилмоқда. Тўрт гектар майдонда ташкил этилган паррандачилик тармоғида тухум ва гўшт йўналишида 120 минг бош парранда парваришланмоқда. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, бу ерда ҳам мавжуд хомашёларни қайта ишлаш билан боғлиқ инвестицион дастурларни ишга тушириш мақсад қилинган.

Бир сўз билан айтганда, пахта-тўқимачилик кластерлари сифатли хомашё етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари паркини яратиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалари юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК, ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ТУЗИЛМАДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ



**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 2022 йил якунларига кўра, ИҲТ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард долларни ташкил этди, бу 2017 йилга нисбатан икки баробар кўп, демакдир. Юртимизда ташкилотга аъзо мамлакатлар сармоядорлари иштирокида 4 минг 400 та қўшма ва якка тартибдаги корхона фаолият юритаётгани ҳам ҳамкорлик кўламидан далолат беради, албатта.

Глобал ўзгаришлар ва иқтисодий ноаниқликлар юзага келаётган бир шароитда 500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан бозорга эга ИҲТга аъзо мамлакатларнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятидан тўлиқ фойдаланиш давр талабига айланди. Бу борада Ўзбекистон бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоиз, Ўзбекистон ИҲТга Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда тараққиётни яхшилаш, савдо ва сармоявий имкониятларни илгари суриш йўлларини муҳокама қилиш учун платформа сифатида қарайди. Бунинг учун Ўзбекистон ташкилот доирасида минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмалар тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топиш тарафдори. “Марказий Осиё — Афғонистон — Покистон”, “Марказий Осиё — Афғонистон — Эрон”, “Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон” транспорт йўлакларини ИҲТ минтақаси транспорт артерияларига киритиш бўйича илгари сурилган Ўзбекистон ташаббуси ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Минтақада мавжуд транспорт йўлаклари самарадорлигини ошириш ва янгиларини барпо этиш, шунингдек, “яшил” ривожланишни таъминлаш ва туризм алмашинувини қайта тиклаш учун саъй-ҳаракатларни биргаликда ишга солиш аъзо давлатлар тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш ИҲТдаги барча ҳамкорларимиз учун ҳам фойдали, чунки мамлакатимиз минтақадаги транспорт алоқасининг ажралмас қисми ҳисобланади, айниқса, Шарқ ва Ғарбнинг йирик бозорларини боғловчи йўналишларни яратиш масаласида гап борганда. Шунингдек, Ўзбекистон ўз ҳамкорларига “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ва Трансафғон коридори темир йўл лойиҳаларига жиддий эътибор қаратишни таклиф этмоқда, чунки улар барча аъзо мамлакатлар манфаатларига мос келади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити муҳим сиёсий тадбир ўлароқ, дунёдаги глобал қарама-қаршиликлар натижасида юзага келаётган иқтисодий таҳликали вазиятда ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича ечимлар ишлаб чиқишда катта ўринга эга. Мамлакатимиз бу борада ҳам муҳим марказга айланди. Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида 25 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Умуман, Ўзбекистон сўнгги йилларда ташкилот доирасида ўз позициясини анча мустаҳкамлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи марта “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган 2022 йилдан бери йилларга ўзига хос ном бериш бошланди. Бежиз бу ном танланмади, боиси ўзаро боғлиқлик, ишонч, тинчлик шароитида ҳамкорликни амалга ошириш ҳозирги кунда ўз моҳияти билан эътиборлидир. Айнан дунёдаги таҳликали вазиятда бу жуда муҳим.

Экспертларнинг фикрига кўра, 2017 йилдан кейин Ўзбекистоннинг ташкилот доирасида фаоллашуви ИҲТ фаолиятининг жадаллашишига замин яратди. Бу жараёнда Президентимизнинг ташқи сиёсати ва иқтисодий дипломатияси ҳам ИҲТнинг кескин фаоллашувида муҳим омил бўлди.

Ташкилот доирасида гуманитар, инновация, туризм, саноат, савдо каби соҳаларда жуда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистон бу жараёнда катта ташаббусларни илгари суриш билан бирга, барча аъзо давлатлар манфаатига хизмат қиладиган ечимлар таклиф этиладиган марказга айланди, десак муболаға бўлмайди.

ИҲТ давлатлари ўзаро яқин ҳамкорлик манфаатларини янада чуқурроқ англаб боряпти. Энг муҳими, иштирокчи давлатлар ўзаро боғлиқликни ва фойдаланилмаган салоҳиятни ишга туширишига зарурлигини, яқин ҳамкорликдан келадиган умумий афзалликларни тобора англаб етмоқда. Бундан кейинги иқтисодий яқинлашувга ҳам тайёр эканини ва энтузиазмни ҳис қилмоқда. Глобал таъминот занжирларининг беқарорлашуви ва жаҳон бозорларидаги волатиллик шароитида мамлакатлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётгани мантиқан бутунлай тўғри. Бунга савдо, иқтисодий ва транспорт алоқаларининг ҳозирда кузатилаётган минтақавийлашуви ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон бу жараёнда шериклар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бундай ёндашув ИҲТ маконидаги муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни амалда мустаҳкамлашга ёрдам берди. Зеро, барқарорликни таъминлаш кенг кўламли ўзаро манфаатли алоқаларни фаол ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Бу динамик жараёнларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсати ва иқтисодий дипломатияси кескин фаоллашган даврга тўғри келди. Ўзбекистон учун мамлакатимиз иштирок этаётган ҳар қандай кўп томонлама тузилмадаги устувор йўналишлар ва кутилмалар ташқи сиёсатимиздаги асосий мақсадга таянади. Бу мақсад ўзида халқаро ҳамкорликдаги аниқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан республиканинг имконияти ва салоҳиятини реализация қилиш ҳамда бу орқали халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни акс эттиради.

Шу нуқтаи назардан, ярим миллиарддан ортиқ аҳолига эга ИҲТ макони савдо ва транспорт алоқаси бўйича бизда катта қизиқиш уйғотади. Биз, аввало, иштирокчи давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдормиз, чунки маҳсулотимизни экспорт қилишнинг ҳар бир имконияти янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва иш ўринлари яратиш учун ресурс саналади. Шу сабабли биз платформа доирасида савдо ҳажмини ошириш, савдо тўсиқларини бартараф этиш ҳамда товарлар ва хизматлар ҳаракатини соддалаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларни илгари суриш ниятидамиз.



> **ЯНА БИР МАЪЛУМОТ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЭЛЕКТРОН НАШРИДА ИҲТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ҲАҚИДА “ИҲТНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ: КЕНГ МИНТАҚАГА ТЕГИШЛИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ЯНГИ МАЙДОН” САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. МАҚОЛАДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 2021 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ КУНИ АШХОБОД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИҲТ 15-САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН ИҚТИБОС КЕЛТИРИЛГАН. “500 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН, УЛКАН БОЗОРГА ЭГА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ САВДО ВА ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАЛАРИДАГИ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР”.**

ИҲТдаги фаолиятимизнинг яна бир устувор йўналиши транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва минтақанинг транзит салоҳиятини кенгайтиришдан иборат. Бу биз каби денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган бошқа аъзо давлатлар учун ҳам устувор йўналиш саналади.

Бу икки асосий устувор йўналишдан ташқари, Ўзбекистоннинг ИҲТ доирасидаги ҳаракатларининг саноат кооперациясини ривожлантириш, энергетика, туризм, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро, маданий-гуманитар ҳамкорлик каби асосий йўналишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ўзбекистон ҳар бир йўналиш бўйича ИҲТ маконида иқтисодий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлайдиган аниқ дастурлар ва йўл хариталарини қабул қилишни таклиф қилмоқда.

Савдо — ИҲТ кун тартибидаги асосий устувор йўналишлардан бири. Бу ердаги жорий кўрсаткичлар аъзо давлатларнинг реал, айниқса, уларнинг умумий салоҳиятини инобатга олгандаги имкониятларини акс эттирмайди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2022 йилда бу кўрсаткич 85 миллиард доллар деб қайд этилди, бу ташкилотга аъзо давлатлар умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизини ташкил этади.

Минтақалараро савдони ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида ИҲТ котибияти томонидан Савдони осонлаштириш тўғрисидаги битим ишлаб чиқилди. Томонларда бу борада якдил тушунча мавжуд, чунки мазкур битимнинг кучга кириши минтақавий электрон савдо тармоғи ишга туширилиши орқали божхона маъмурчилиги, санитария ва фитосанитария назорати, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш бўйича ягона платформани яратиш имконини беради. Бундай чора-тадбирлар минтақада савдо механизмини либераллаштириш, якунда эса минтақавий товар айланмасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, томонлар ўртасида якдил тушунча ва умумий манфаатдорлик мавжуд, бу эса биргаликда олдинга интилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон ва ИҲТ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг реал натижаларига аниқ факт ва рақамларда тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда ИҲТ давлатлари Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланади. 2021 йилда Ўзбекистоннинг ИҲТ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11,2 миллиард долларни (ўсиш 35,1 фоиз) ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 12,4 миллиард долларга (ўсиш 10,4 фоиз) етган. 2023 йилнинг 9 ойи якунига кўра, ИҲТ давлатлари билан товар айланмаси 9,2 миллиард долларни, аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 24,7 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 5,75 миллиард долларга етган. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 6,3 фоизга кўпроқдир. Импорт эса 6,62 миллиард долларни ташкил этди. 2022 йили Ўзбекистон умумий экспортининг қарийб учдан бир қисми (29,8 фоизи) ИҲТ мамлакатларига тўғри келган.

2022 йилда Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар билан товар айирбошлашда энг катта улушини Қозоғистон (37,5 фоиз) ва Туркия (26,3 фоиз), кейинги ўринларни эса Қирғизистон (10,2 фоиз), Туркманистон (7,5 фоиз), Афғонистон (6,1 фоиз), Тожикистон (5,5 фоиз), Эрон (3,5 фоиз), Покистон (1,9 фоиз) ва Озарбайжон (1,5 фоиз) эгаллади. Ўтган йили ИҲТга аъзо давлатларнинг умумий ташқи савдо айланмаси бир триллион доллардан ошган.

Ўзбекистоннинг ушбу тузилма шафелигида ўтказилаётган халқаро тадбирлардаги иштироки ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбекистон расмий делегациялари бош прокурорлар, денгиз ташкилотлари раҳбарлари, транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари йиғилишларида, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг минерал ресурслар бўйича эксперт гуруҳи ва ветеринария ташкилотлари раҳбарлари учрашувларида иштирок этмоқда. 2020 йилдаги коронавирус пандемияси туфайли кўплаб тадбирлар онлайн тарзда бўлиб ўтди. Жумладан, ИҲТга аъзо давлатлар йиғилиши, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) ва ECOLONER халқаро энергетика консалтинг компаниясининг ИҲТ Тоза энергия марказини ташкил этиш лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича учрашув, ИҲТнинг “Минтақавий электр энергияси бозорлари истиқболлари ва муаммолари: савдо ва сармоявий имкониятлар” конференцияси, Фуқаролик авиацияси ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши (ноябрь), ИҲТнинг географик кўрсаткичлар бўйича минтақавий семинари (ноябрь) онлайн шаклда ташкил этилди.

Дарвоқе, яна бир маълумот. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти электрон нашрида ИҲТнинг Тошкент саммити ҳақида “ИҲТнинг Тошкент саммити: кенг минтақага тегишли муаммоларни ҳал қилишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги майдон” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ИҲТ 15-саммитида сўзлаган нутқидан иқтибос келтирилган. “500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга бўлган мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур”.

Қайд этилишича, Президент раисликни ўз зиммасига олар экан, Ўзбекистон ИҲТ доирасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. Нашрда Ўзбекистон ИҲТга Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда ривожланишни яхшилаш, савдо ва сармоявий имкониятларни илгари суриш йўлларини муҳокама қилиш учун платформа сифатида қараши айтилган. “Ўзбекистон ушбу ташкилот доирасида минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топиш тарафдори”, — деб ёзган манба. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод саммитида “яшил” иқтисодиётни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, углерод нейтраллигига эришиш ташаббусини илгари сурди, дейилади мақолада. Ўзбекистоннинг Афғонистонга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва зарур ёрдам кўрсатиш учун кучларни бирлаштириш тарафдори экани урғуланган.

Электрон нашрда, шунингдек, Ўзбекистон раислигида 2022 йил 17-26 январь кунлари бўлиб ўтган ИҲТ Минтақавий режалаштириш кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ташаббуси билан тузилма маконида 2022 йил “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” ва Шаҳрисабз шаҳри “2024 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти” деб эълон қилингани ҳақидаги маълумотлар муштарийлар эътиборига тақдим қилинган.

ИҲТнинг 16-саммити ҳақида халқаро мутахассис ва экспертлар Тошкентда ўтган халқаро тадбир ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ривожининг янги босқичини бошлаб беришини алоҳида таъкидламоқда.

Ташкилот аъзоси бўлган Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият бўйича Ўзбекистон ёндашувлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мамлакатдаги оғир гуманитар инқирозни бартараф этишда халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин қўшнилар ёрдами муҳим ҳисобланади. Афғон халқи якка ҳолда бу қийин синовлардан ўта олмайди. Шу боис, афғон халқига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун Афғонистон билан минтақавий аҳамиятга эга йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш ишларини изчил давом эттириш зарур.

Саммит доирасида яна бир муҳим тадбир ташкил этилдики, унда муҳокама қилинган масалалар аъзо давлатлар бизнес муҳитига ижобий иқлим олиб киради. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг V бизнес-форумида ишбилармонлар, бизнес вакиллари ва экспертлар соҳага доир муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Сир эмас, Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион муҳит тобора яхшиланиб бормоқда. Агар таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда ИҲТга аъзо давлатлар билан Ўзбекистонда қарийб 4,5 мингта қўшма корхона фаолият юритаётгани ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Бир нарсага алоҳида эътибор қаратишимиз керак. ИҲТ ўз олдига қўйган барча мақсадлар аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, саноат ва инвестицион кооперацияни яхшилашга қаратилган.

Туркманистонда бўлиб ўтган саммитда айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аъзо давлатларда саноатни ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш бўйича Тошкентда саноат марказини ташкил этиш ғояси илгари сурилган эди. Ҳозирда мазкур таклиф ижроси юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, ташкилот олдида қилиниши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Тошкентда ўтган саммитда давлатимиз раҳбари берган таклифлар, ғоялар, ташаббуслар бевосита иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган. Кўряпмиз, бугун дунё давлатлари турли гуруҳлар, ташкилотларга бўлиняпти. Бу даврда ИҲТ нуфузининг ошиши барча учун манфаатли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентда ўтказилган саммит Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигига янги суръат бағишлади. Тузилма учун долзарб масалаларни ҳал этишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кенг ИҲТ маконида истиқомат қилаётган барча халқлар манфаати йўлида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича кейинги устувор йўналишларни белгилаш учун янги асос яратади.





ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ҒОЯЛАР ГЕНЕРАЦИЯСИДАН БИЗНЕСГАЧА

Бошланиши 1-бетда

## “АҚЛЛИ ПУЛЛАР” БИЛАН ТАВАККАЛ ҚИЛИШДАН ҚЎРҚМАЙСИЗ

Компьютерлаштириш жараёнининг сўнгги босқичларидан бири саналган булутли технологиялар бизга интернет тармоғи орқали барча қулайликларни яратиб беради. Фараз қилинг, йирик ва кичик компаниялар, биржа ва савдолар, соғлиқни сақлашда касаллик тарихи, фуқаролар ҳақидаги барча маълумотлар, ҳаётимиздаги турфа воқеа-ҳодисалар тафсилоти, бутун ахборот “булутлар”да жойлашган бўлиб, улардан Ер шарининг исталган нуқтасида тезкор равишда фойдаланиш мумкин бўлади.



Дунё тараққиётида рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, техник трансформацион жараёнларнинг молиявий секторларга кенг татбиқ этилиши банк тизимлари, тўлов операциялари, кредитлаш ва шу турдаги бошқа хизматлар самарадорлигини янада оширмоқда. Молиявий хизматларни яхшилайдиган ва оптималлаштирадиган технологиялар, яъни финтех соҳаси катта самара берадиган йўналишлардан бирига айланиши кутилмоқда. Йирик ҳажмдаги маълумотлар ва сунъий интеллект воситасида скоринг моделларни ривожлантириш, фойдаланувчиларни масофадан идентификациялашнинг турли технологиялари, фирибгарликни аниқлаш механизмларини автоматлаштириш сингари қатор афзалликларга эга бундай технологиялар “бозори чаққон”лар сирасига киради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти Мухлиса Маҳмудова тижорат банкларига финтех жорий этиш билан боғлиқ хатарларни бошқарувчи “Risktech” дастурини ишлаб чиқди. Молиявий инновациялар соҳасида хатарни ҳисобга олган ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиш муҳим жараён. “Risktech”, яъни хавф технологияси мазкур босқични автоматлаштириш, рақамли мониторинг қилиш ва молиявий инновацион хатарларни самарали бошқариш имконини бериб, эрта огоҳлантиради.

— Дастурнинг асосий вазифаси молиявий инновацияларнинг тижорат банклари ривожига таъсири ва хатарларни аниқлашдан иборат, — дейди Мухлиса Маҳмудова. — Бундай инновацияларни жорий этишда жараённинг бирламчи тенденциялари аниқланиб, ишончли тавсиялар асосида технология ишлаб чиқилади. Молиявий хизматлар шаффофлиги, тезлиги ва сифатини ошириш, транзакцион харажатларни камайтиришда намоён бўладиган рақамлаштириш жараёни молиявий технологиялар трансфери орқали мазкур бозорда анъанавий молиявий маҳсулотлар ва хизматларни модернизация қилишга имкон беради. Лойиҳа доирасида ишлаб чиқиладиган дастур орқали банк онлайн амалиётлари ҳажми ортган. Шунингдек, таҳлилларда анъанавий амалиётлар, тўловлар, конвертация, депозит очиш ҳамда микрозаём расмийлаштиришнинг анъанавий усулидан фойдаланиш учун харажатлар 18 фоиз камайгани аниқланди.

Маълумотларга кўра, 2020-2023 йилларда финтех саноатига киритилган глобал инвестициялар сезиларли даражада ўсган. Дунё бўйлаб 7 минг 500 дан ортиқ шундай компания фаолият юритади. Демак, молиявий инновацияларнинг бозорга кириб келиш тенденцияси тезлашмоқда. Кам харажат эвазига максимал даромад ҳамда қулайлик яратиш ва минимал хатар билан бошқариш механизмини ишлаб чиқишнинг самарали технологиясини яратиш эса муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Стартаплар муваффақиятли бизнесга айланиши учун ғоя, билим, жамоа ва инвестиция бўлиши керак. Ажойиб ва қизиқарли бу жараённинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Бугунги кунда хизматларнинг катта қисми ахборот технологиялари орқали кўрсатиляпти. Бошқа соҳаларнинг ҳам самарадорлиги шунга боғлиқ бўлиб қолди. Мана шу сабаб соҳа мутахассисларига талаб тобора ортяпти. Шу билан бирга, барча касб эгалари зиммасига айни йўналишда фаол бўлиш вазифаси юкланмоқда.

## “ҚУЁШЛИ ҚУРИЛМА”ДА ҚУРИТИЛГАН МЕВАЛАР

Деҳқончиликнинг ҳам ўзига хос замонавий илми бор, у билан ҳамқадам бўлинса, йил бўйи қилинган меҳнат яхши самара беради. Бугун янги технологиялар ва инновацион усуллардан ўринли фойдаланган одам чинакам даромад манбаига эга бўлмоқда. Серқуёш диёримизда етиштирилган мевалар мазаси ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Наргиза Назарова ихчам ва қайта тикланадиган энергия манбалари асосида ишлайдиган гелиоқуриткич қурилма яратди.



— Мева-сабзавотларнинг туршаги барчамизга таниш, болалигимиздан севиб истеъмол қилганмиз, — дейди Наргиза Назарова. — Одатий тарзда қуритиш улардаги кўплаб озуқавий моддалар йўқолишига сабаб бўлади. Гелиоқуриткичда турли меваларни қуритиш режимлари ишлаб чиқилиб, ҳарорат, намлик автоматик назорат қилиб турилади. Қурилма қуёш энергияси ҳисобига ишлайди. Мева исрофини камайтириш имконини берадиган рециркуляцияли гелиоқуриткичда автоматик бошқарув тизими қўлланилгани боис ҳам энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш мумкин. Қолаверса, қурилма ёрдамида мева қуритиш қуёш-ҳаво усулидагидан кўра самараси юқори. Шунингдек, узоқ вақт давомида мевадаги табиий таъм ва хушбўйликни сақлаш имконини беради. Биз таклиф қилаётган усул озуқа моддалари ва витаминларни сақлаб қолади.

Мазкур технологиянинг афзаллигидан яна бири шуки, уриниб қолган ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам чиқитга чиқмайди, аксинча, бежиримгина ўрам ва яхши сақлов боис, катта даромад манбаига айланади. Бундай сақланган маҳсулотлар сайёҳлар, космонавтлар, ҳарбий хизматчилар учун тезкор овқатланиш ва узоқ муддатга захира яратиш имконини ҳам беради. Мевалар соғлиғимиз ва теримизни эркин радикалларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи витаминлар, антиоксидантлар мажмуасига эга. Уларни сунъий қўшимчаларсиз музлатиш, қуритиш ва қадоқлаш табиий озиқ моддалар, таъм, лаззат ва ранглар узоқ муддат сақланишини таъминлайди.

## ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИКЛАР “ЯШИРИН ОЧЛИК”ДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жорий этилаётган инновациялар мамлакат тараққиётига хизмат қилиши баробарида деҳқонларнинг оғирини енгиллатади. Тупроқ таркибида ҳаракатчан озуқа элементлари мавжуд. Унинг физик-кимёвий таркибини таҳлил қилиш лабораторияси орқали ушбу элементлар ўрганилади. Экинларни ҳам таҳлил қилиб, озуқа моддаларига талабини аниқлаш мумкин. Сирдарёлик Мансур Жўраев ёз ойларидан то баҳор фаслигача бўлган вақтда дала тупроқларидан намуналар олиб, ундаги озиқ элементлари ўзгариши, экинлар таҳлилини ўрганди.

Тўпланган маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа моддаларига талабчанлиги ва тупроқнинг агрокимёвий хоссалари ҳисобга олинган ҳолда ўсимликларнинг озуқа элементига эҳтиёжини қондиришнинг рақамлаштиришни ўз ичига олган платформаси ишлаб чиқилди. Дастур орқали қишлоқ хўжалиги экинларини ўғитлаш меъёр ва муддатларини илмий асосланган ҳолда белгилаш имконияти яратилди. Аввалари бир экинни экиб, йиллаб ҳосилини кутиб, бизнинг тупроққа мос келмади, дея ҳафсаласи пир бўлган деҳқон ва фермерларимиз учун мазкур платформа яхшигина дастёр бўла олади.

— Платформа асосида қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилаётган 20 дан ортиқ экин турининг биологик хусусияти, режалаштирилган ҳосилдорлик, тупроқнинг шўрланиш, озуқа моддалар билан таъминланганлик даражаси каби маълумотлар асосида ўғит қўллашнинг биологик меъёри ҳисоблаб чиқилди, — дейди Мансур Жўраев. — Олинган маълумотлар вегетация даври давомида экинларнинг ўғитга талабчанлигини ҳисобга олган ҳолда даврларга бўлиб чиқилди. Платформа ўғитлардан тежамли фойдаланиш ҳамда экологик тоза маҳсулот олишни таъминлайди. Тупроққа айнан қайси минерал ўғит зарурлиги аниқланиб, талаб этилмаганлари далага киритилмайди. Ўз-ўзидан маълумки, ўғит учун сарфланадиган маблағ иқтисод қилинади. Лойиҳа Сирдарё вилоятида бир неча фермер хўжаликларига татбиқ этилди. Тупроқ таҳлили ўтказиб, ўсимликларни стресс — “яширин очлик” ҳолатига туширмасдан, зарур минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиқлантириш мумкин. Бу эса 50 фоиз ва ундан кўпроқ ҳосилни сақлаб қолиш имкониятини беради.



Тадқиқотчининг айтишича, бугунги кунда мева-сабзавотнинг экспортбоп навларини бошқа давлатлардан олиб келиб, ўлкамиз иқлим шароитига мослаштириш ишлари ҳам жадаллашган. Бу жараёнда тупроқ имкониятидан келиб чиқиб экин экиш муҳим босқич саналади. Қолаверса, тупроқда фойдали элементлар тарқалиши турлича. Илдиз тизими қанақа экани, озуқани қандай олишига қараб айнан қайси экин яхши ҳосил беришини аниқлаш ва алоҳида экин турларини жойлаштириш бўйича миришкорларга йўриқнома беришнинг аҳамияти катта.

## СУВ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР САРФИ 30 ФОИЗГАЧА ҚИСҚАРАДИ, ҲОСИЛДОРЛИК ЭСА 20 ФОИЗ ОРТАДИ

Сурхондарё вилояти суғориладиган майдонларида асосан, тупроқнинг тақир-ўтлоқи тури кенг тарқалган. Бу тупроқда ғоваклик даражаси жуда паст. Унга берилган сув, минерал ва маҳаллий ўғитлар тупроққа шимилиши қийин. Термизлик кимё фанлари доктори, доцент Фурқат Эшқурбонов маҳаллий ноанъанавий агрорудалар асосида тупроқ унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, экин ҳосилдорлигини оширишга кўмак берадиган, сув меъёрини тежовчи минерал ўғит ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Минерал ўғит таркибига бентонит қўшдик, — дейди Фурқат Эшқурбонов. — Боиси, мазкур модданинг битта молекуласи ўзидан олти-еттита молекула катта ҳажмдаги сувни сақлаб тура олади. Бу ўғит сувни 30 фоизгача тежайди, дегани. Минерал ўғит таркибида йигирмадан зиёд макро ва микроэлемент бор. Муҳими, асосини маҳаллий хомашё ташкил қилади. Ғовакли бентонит ҳисобига тупроқнинг сув шимувчанлик қуввати ошади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар йўқ, фосфорли ўғитларда етишмовчилик кузатилади. Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали четдан кириб келаётган микро ҳамда фосфорли ўғитларга бўлган талаб маҳаллий хомашёлар асосида олинган минерал ўғит ҳисобига қондирилади. Жорий йил октябрь ойида Қатарда “ЭКСПО Доха — 2023” — “Яшил саҳро, янада яхши атроф-муҳит” халқаро кўргазмасида айнан шу маҳсулот — агробентофос билан иштирок этдик. Ҳозир халқаро шартномалар тузиш устида иш олиб боряпмиз.



Юқорида таъкидланганидек, маҳсулот намликни сақлаб туриш хусусиятига эга. Демак, сув танқислиги шароитида фойдаланилмай келинаётган ердан ҳосил олиш имконини ҳам беради. Ҳосилдорликни 20 фоиз ошириш, минерал ўғитлар сарфини 30 фоизгача тежаш, шунингдек, тупроқ шўрланиш даражасини 10 фоизгача камайтириш мумкинлиги дала тажрибаларида аниқланган.

Ғояни маҳсулотга айлантириш машаққатли иш. Яна бир жиҳати борки, стартап сармоя киритиш билангина гуркираб кетадиган бизнес эмас. Мазкур фаолият турида хавф-хатар даражаси доимо юқори бўлган. Стартап яшаб қолиши, яшаб қолганда ҳам кескин рақобат муҳитида ўрнини йўқотмаслиги учун кўп ва хўб меҳнат қилиш, олим бўлса-да, тадбиркорлик асосларини билиши ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мослашиши талаб этилади.

Стартап экотизим ўзгаришларга тез мослашадиган, илғор технологияларга асосланган ишбилармонлик муҳитида ривожланади. Ғоядан якуний маҳсулотгача бўлган жараённи ўз ичига оладиган мазкур инновацион тизимда бизнес инкубатор, акселератор, венчур фондлар томонидан иштирокчиларнинг ғоялар генерациясидан бизнесгача бўлган фаолияти қўллаб-қувватланади. Юртимизда мана шундай тизим ривожланиб бораётгани ҳам олимлар сафи кенгайишига ҳисса қўшмоқда. Бундай ибора бор: муаммога нисбатан “қандай қилиб?” деганлар олим бўлади, “нега?” деганлар тадбиркор бўлади. Чунки олим жараённинг қандай бўлишини ўрганиб, ичига киради, изланади. Тадбиркор эса унинг сабабига қизиқади, уни ўзгартиради. Инновацион тадбиркорликни танлаганлар эса ҳар икки жиҳатни муҳим деб билиши зарур. Стартап — инновацион тадбиркорлик сари йўл.

**Феруза ЖЎРАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

**Ўз уй-жойи, бошпанаси бўлиш инсон учун энг олий бахтлардан бири. Зеро, рисолагидек ҳаёт кечириш, баркамол фарзандлар тарбиялаш, жамиятда ўзига хос касб билан шуғулланиш учун, энг аввало, ўз уйига, Ватан ичра ватанига эга бўлиши керак.**

# ИПОТЕКА КРЕДИТИ ВА СУБСИДИЯ:
## УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШДА ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА



Шу сабабдан ҳам инсон қадри улуғланаётган юртимизда аҳолининг энг бирламчи эҳтиёжи бўлган уй-жой масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу борада, аввало, турар жойсиз, қийин аҳволда қолган оилалар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда.

Эътироф этиш керак, яқин вақтгача уй олиш юртдошларимиз учун жуда катта муаммо эди. Сўнгги йилларда нафақат арзон уй-жойлар қурилди, балки давлатнинг молиявий кўмаги ҳисобланган субсидия тизимининг жорий қилиниши натижасида минглаб одамларнинг ҳаёти тубдан ўзгарди. Энди бу танлов янада соддалаштирилиб, янги имкониятлар яратилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди.

Жумладан, банкларга расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишда уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашнинг муқобил усулларидан фойдаланиш, жумладан, қарз олувчиларнинг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларини инобатга олувчи скоринг тизимини жорий қилишга рухсат этилиб, банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, ушбу фармон асосида жорий йилнинг 1 май санасидан бошлаб ипотека кредити асосида уй-жой олишда субсидия беришнинг янги тизими жорий этилди. Хусусан, авваллари ариза бериш йилда бир марта бўлса, энди ҳар тўрт ойда ариза топшириш имконияти яратилди. Бу эса уй-жойга эга бўлиш истагида бўлган юртдошларимиз учун айни муддао бўлди.

Жиззах вилоятида ҳам ушбу фармон ижроси ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида кейинги йилларда кўп квартирали массивлар, замонавий уйлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

Мазкур фармонга кўра, вилоят ҳокимининг ҳам қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Жумладан, Жиззах шаҳри ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда Марказий банк ҳудудий бошқармаси билан биргаликда ипотека кредитлари ва субсидиялар ўз вақтида аҳолига ажратилиши ва молиялаштирилишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қурилган уй-жойларни сотишда кўмаклашиш кўрсатиб ўтилган.



— Жорий йил давомида Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳудудларида даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида 1 минг 980 нафар фуқарога 89 миллиард 600 миллион сўмлик субсидия ажратилиши белгиланди. Шундан 990 таси республика бюджети маблағлари ҳисобидан ва 990 таси маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилиши назарда тутилган, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Абдували Мустанов. — Бунинг натижасида жойларда уй-жой харид қиладиган кам таъминланган аҳолига бошланғич бадалларни ипотека кредитлари фоизларини тўлашда субсидиялар беришдан иборат бўлиб, эҳтиёжманд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, талабгор фуқароларнинг уй-жой шароитлари яхшиланиши кўзда тутилган.

Педагог Саодат Сатторова давлатимизнинг кўмаги билан уйли бўлганлардан бири. Унинг қарамоғида тўрт нафар фарзанди бор. Шу вақтгача уй-жой масаласида кўп қийналган. Узоқ йиллар ижарама-ижара юрган. Жорий йилда унинг уй олиш масаласида ёзган аризаси қаноатлантирилиб, Чинобод маҳалласида янги бунёд этилган кўп қаватли уйларнинг бири насиб этди. У бугун хурсанд, фарзандлари билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

— Тинч ва осойишта заминда ўз уйида шукроналик билан ҳаёт кечиришга нима етсин, — дейди у. — Қувончим чексиз, бошпанасизликдан кўп қийналганганман. Энди бир уйга мослашасиз, ижара пулини кўтаради ёки бошқа сабаблар билан уйдан чиқишингизга тўғри келади. Яна кўчиш ташвиши, янги уйга мослашиш қийинчилиги бор. Энг ёмони болаларингиз бир мактабга мослашиб, ўзига яқин ўртоқ, дугона топганда кўчиш сабаб мактабини алмаштиришга тўғри келади. Янги уйга кириб, наҳотки, бу уй ҳақиқатан меники бўлса, деган ўйлар хаёлимдан ўтди. Уйли бўлганимга ишонгим келмайди. Президентимизга раҳмат.

— Инсон қадри улуғланаётган юртда яшаётганимдан хурсандман, — дейди Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласида яшовчи Фарида Бузрукова. — Давлатимиз раҳбарининг уй-жойга муҳтож аҳолига субсидия бериш тўғрисидаги ташаббуслари натижасида узоқ қийинчиликлардан кейин 2022 йил субсидия асосида барча шароитларга эга уй соҳибига айландим. Бу, аввало, кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фарзандли оилалар, ёлғиз аёллар ёки мен каби боқувчисини йўқотган аёллар учун айни муддао бўлди. Тўғриси, шундай уйларда яшашни орзу қилардим. Орзумга етишдим. Фарзандларим билан хотиржамликда яшаяпмиз. Энг муҳими, ҳамма шароит муҳайё, боғча, мактаб яқин, савдо дўконлари, болалар ўйингоҳи бор. Бунинг учун Президентимизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдираман.

Инсон эътибордан куч олади. Яхши яшаш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишда унга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик муҳим ўрин тутади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида қилинаётган бу каби хайрли ишлар негизида ҳам юртимизда камбағалликни қисқартириш, инсон қадрини улуғлаш, халқнинг давлатдан рози бўлиб яшашига эришиш ғояси мужассам. Муҳими, энди аҳолининг энг катта орзуларидан бири — ўз уй-жойи, бошпанаси бўлиш масаласида имкониятлар кўлами янада кенгаймоқда. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида қилинаётган ишларнинг яна бир ёрқин намунасидир.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# Дуал таълим талабага нега керак? Отмга-чи?



**Даврон ВАҲОБОВ, Савдо-саноат палатаси раиси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори**

Бошланиши 1-бетда

Дуал таълим — талабага олий ўқув юртида таълим олиш билан бирга ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш, малака ошириш имкониятини берувчи тизим. Бунда талабалар ҳафтанинг уч кунида институтда назарий билимларни, қолган уч кунида корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнларида амалий кўникмаларни эгаллайди. Дуал таълим шаклида таҳсил олаётган талаба корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилинганда корхона томонидан малакали устоз бириктирилади ва амалиётчига ойлик маош тўланади.

Бугунги кунда ушбу тизим Германия, Австрия, Швейцария ва Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни янада ривожлантиришда жуда катта ўрин тутмоқда. Биз айнан Германия тажрибаси асосида дуал таълимни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Сабаби у мазкур тизим энг самарали ишлаётган давлатлардан бири. Бу мамлакат ўзининг таълим тизимига дуал таълимни 1960-йилларнинг ўрталаридан жорий қила бошлаган.

Германияда бугунги кунда 1,4 миллион ёш дуал таълим шаклида ўқимоқда. Ҳар йили 500 минг ўқувчи дуал таълимда иштирок этиш учун корхоналар билан келишувга эришади. 74 фоиз ёшлар ўқишни якунлагандан сўнг иш берувчи билан меҳнат шартномаси имзолайди. Корхона томонидан ўқувчи(талаба)ларга малакали, махсус синовдан ўтган ҳамда сертификатга эга устоз бириктирилади.

Бу тизим Германияда ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда йўлга қўйилган бўлса, Ўзбекистонда нафақат ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда, балки олий таълим тизимида, яъни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мисолида тажриба-синов тариқасида қўлланмоқда.

Савдо-саноат палатаси, тадбиркорлар ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси биргаликда ёшларга таълим беришни янги босқичга олиб чиқиш, битирувчиларни соҳасининг етук, замонавий мутахассиси этиб тайёрлаш билан бирга бизнесга қизиқишини ошириш, уларни йирик корхоналарнинг ҳамкори сифатида тайёрлашга бел боғлаган. Бунинг учун “Бир тадбиркор — уч ҳамкор” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳар бир мутахассислик кафедрасидаги уч нафар битирувчини ишлаб чиқариш корхонасига ҳамкор қилиб тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Ҳозир институтдаги 14 та кафедрада ёш мутахассислар тайёрланаётган бўлса, ўқув йили якунида бу лойиҳа бўйича камида 42 нафар ҳамкор тадбиркор етишиб чиқади.

Институтда дуал таълимни ривожлантириш, бу бўйича дунё тажрибасини ўрганиш, қолаверса, тажрибамизни ўртоқлашиш мақсадида шу йилнинг 28-29 ноябрь кунлари “Дуал таълимнинг фан, таълим ва инновациялар соҳасидаги истиқболи” мавзусида халқаро анжуман ўтказилмоқда. Унга халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва чет эл олий таълим муассасалари ҳамда корхоналаридан 60 дан ортиқ меҳмон таклиф қилинган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти шу кунга қадар 200 га яқин корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйган эди. 2022-2023 ўқув йилидан Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган 60 га яқин корхона билан шартнома асосида 3-курсдаги 864 нафар талаба тажриба-синов тариқасида дуал таълим шаклида ўқитилди. Бунда ўқув режасидаги мутахассислик фанларининг ўртача 50 фоиз юкламаси, яъни амалий қисми корхоналарда ўтилди. Корхонага бориб келиши учун талабаларга транспорт ажратилди, тушлик ташкил этилди. Баъзи корхоналар ишга қабул қилинган талабаларга бажарган ишига қараб ойига 500 минг сўмдан 1 миллион сўмгача ҳақ тўлади. Олдин талабалар бўш вақтида турли соҳаларда, асосан, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш кабиларда иш ҳақи топган бўлса, дуал таълим тизими туфайли ўз йўналиши бўйича ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, пул топишга эришди.



Мазкур ишларни жадаллаштириш, дуал таълимга кўпроқ тадбиркорларни жалб қилиш, уларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, ишсиз аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш мақсадида Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифга розилик берилди. Бу дастурда тадбиркорлик субъектлари “ҳамкорлик шартномаси” асосида ихтиёрий равишда қатнашиши, унда иштирок этган тадбиркорларга табақалаштирилган имтиёз ва переференциялар берилиши назарда тутилди. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг олий таълим тизимида “Касб эгаси” дуал таълим тизимини тажриба тариқасида ишга тушириши кўзда тутилди. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим тизими Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 3-4 курс талабалари учун жорий қилиниши белгиланди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг энг асосий жиҳатларидан бири Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқариш корхоналарининг қўшимча ишчи кучига бўлган талаби шакллантирилади ва у талабаларга етказилади. Талабалар танланган иш ўринлари бўйича электрон йўлланма тегишли корхонага етказилади. Бунда йўлланма асосида таълим жараёнини бевосита корхоналарда ўтаган талабалар учун корхона томонидан иш ҳақи ҳисобланади ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой учун мазкур иш ҳақининг 2 миллион сўмгача бўлган қисми қоплаб берилади.

Фармон ижроси бўйича 2023/2024 ўқув йилида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-4 курсида таҳсил олаётган барча талабалар “Касб эгаси” дуал таълим асосида ўқитиш тизимига тўлиқ ўтказилди. Яъни 3-курсда таҳсил олаётган 805 талаба 57 корхонага, 4-курсда ўқиётган 854 талаба 62 та корхонага тақсимланиб, белгиланган график асосида ҳафтанинг уч кунида институтда назарий дарслар, қолган уч кунида корхонада амалий дарслар асосида таҳсил олмоқда. Талабаларга корхонанинг малакали мутахассислари амалиёт раҳбари этиб тайинланган. Институт профессор-ўқитувчилари бу тизимнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб бормоқда.

Бу тизимнинг афзаллиги 3-4 курс талабалари корхонада ўрнатилган энг замонавий дастгоҳларда ишлашни ўрганишдан ташқари меҳнат жамоаси билан яқиндан танишиши, дуал таълим бўйича олган билимини намоён қилган, ўзини яхши томондан кўрсата олган битирувчилар корхонага ишга қабул қилинишда катта имтиёзга эга бўлиши, ишга қабул қилинганда меҳнат фаолиятига жуда енгил киришиб кетиши мумкинлигида яққол кўринмоқда.

Бир неча йил олдин давлатимиз раҳбари соҳа ходимлари олдига мамлакатимизда етиштирилган хомашёни жаҳон бозорига тайёр маҳсулот сифатида олиб чиқиш, бунинг учун соҳани кластер тизимига ўтказиш, шу орқали ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш вазифасини қўйган эди.

Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатининг 2017-2023 йиллардаги асосий кўрсаткичлари таҳлилига кўра, мамлакатда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш даражаси 40 фоиздан 100 фоизга етган. Ялпи ички маҳсулотда соҳанинг улуши 7,6 фоиздан 9,2 фоизга ошган. Саноат маҳсулотларидаги улуши 15 фоизга етган. Биргина тикув-трикотаж саноатининг маҳсулотлари ҳажми 88 370 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳамда соҳада 600 мингга яқин одам меҳнат қилаётганини инобатга олсак, Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвер соҳаларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликдан чиқаришга эришиш мумкинлигини кўриш мумкин. Шундай экан, мамлакатимиз ҳудудидаги мавжуд ва янгидан ташкил этилаётган соҳа корхоналарини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун биринчилардан бўлиб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида дуал таълим тизимини қўллаш айни вазифаларнинг энг тўғри ечимидир.

Ҳозир юртимизда соҳа бўйича ишлаётган корхоналар сони 7 мингдан ошди. Бунга, албатта, кичик тадбиркорлик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар киради. Асосий мақсад Германия тажрибасига таянган ҳолда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишбилармон тадбиркорлар, илғор ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда замонавий етук мутахассисларни дуал таълим шаклида тайёрлашдан иборат. Бу ерда албатта Савдо-саноат палатаси координатор вазифасини бажаради.

Қилинаётган ишлар таҳлили, дастлабки хулосаларга кўра, бу тизим уч тарафлама, яъни институт, корхона ва талабага манфаатли бўлиб, замонавий малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.



ТИББИЁТ

**Тиббий хизмат сифати инсон саломатлиги муҳофазасида муҳим ўринга эга. Буни биргина Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун вилоятнинг энг олис туманларидаги шифо масканларигача замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳудудларда фаолият юритаётган мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, тиббиёт муассасаларида даволаш самарадорлигини яхшилаш мақсадида янги бўлимлар ташкил этилди.**



# СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ҚУВОНЧИ

Натижада аҳолига ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш имконияти кенгайди. Фуқароларнинг шифокорларга бўлган ишончи ортди. Аҳолининг вилоят марказидагина яхши мутахассислар бор, деган қарашлари тубдан ўзгарди. Туман, вилоят, республикадаги тиббиёт ходимларининг ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Соҳадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, ходимлар эгаллаган халқаро тажриба эса беморларни нафақат амбулатор шароитда даволаш, балки зарурат бўлганда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ҳам ўтказишга хизмат қиляпти.

Кейинги йилларда Навоий вилоятида бажарилган юқори технологик амалиётларнинг сони сезиларли даражада ошди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги тиббиёт муассасаларида 358 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. 31 нафар шифокор хорижий мамлакатларнинг нуфузли клиникаларида тажриба алмашиб, малакасини ошириб қайтди. Таъкидлаш жоиз, соҳадаги халқаро ҳамкорлик юксак ижобий самара бериб, аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда вилоятда Ўзбекистон Республикаси травматолог-ортопедларининг “Йирик бўғимлар жароҳатлари ва ортопедик касалликларини даволашнинг инновацион усулларини татбиқ қилиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ташкил этилгани ҳам фикримизга яна бир мисолдир.

Анжуманда 20 га яқин давлатдан 30 дан ортиқ ҳамда Республикамизнинг барча ҳудудларидан 140 нафар тажрибали шифокор иштирок этди.

Шу ўринда айтиш керакки, бундан беш-олти йил илгари Навоий вилоятида 128 бирламчи тиббий ёрдам муассасаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 246 тага етди. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида вилоятда янгидан 27 та оилавий шифокорлик пункти, 2 та оилавий поликлиника ҳамда 89 та маҳалла тиббиёт пункти фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 300 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди. Соҳани ривожлантириш учун 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.



Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология бўлимида янгидан-янги юқори технологик амалиётлар ўтказилаётганини қайд этиш ўринли. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 213 нафар беморда травматология-ортопедия йўналишида юқори технологик амалиётлар ўтказилгани эса алоҳида аҳамиятга молик. Бу каби хайрли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу халқаро тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, вилоятда хорижий мутахассислар иштирокида 32 нафар беморда юқори технологик амалиёт ўтказилди. Травматолог ва ортопедлар учун маҳорат дарси, жароҳатлардан кейинги асоратлар, умуртқа поғонаси хасталиклари, ҳаракат таянч тизимидаги муаммолар қийнаётган беморлар учун соғайиш умидига айланган хайрли тадбир аҳоли саломатлигига қаратилган эътиборнинг чинакам намунасига айланди.

Айниқса, Россиянинг Илизаров номидаги Травматология ва ортопедия миллий илмий давлат муассасаси олий тоифали шифокорининг вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида фуқароларни кўрикдан ўтказиши юқори технологик ёрдамга муҳтожлар учун айни муддао бўлди. Жараёнда мутахассис томонидан мурожаат қилиб келганларга тавсиялар берилди. Касалликдан соғайишга оид кўрсатмалар эса маҳаллий шифокорларнинг галдаги даволаш тартибини режалаштиришида дастуриламал бўлди. Ушбу мутахассис мураккаб жарроҳлик амалиётларида ҳам иштирок этди.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба келишим. Бир нечта шифо масканларида бўлганим сабабли аниқ айта оламанки, бу ердаги имкониятлар бизникидан асло қолишмайди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ тарихга эга. Тиббиётдаги амалий ишлар эса мутахассислар малакасини оширишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонлик мутахассислар учун ҳамиша эшикларимиз очиқ, олий таълим муассасалари талабаларининг малакасини шу тариқа ошириш таклифини бердим. Ўйлайманки, бундай ташаббус малакали, ёш соҳа вакиллари учун мактаб бўлади. Келажакда ҳамкорликда ана шундай юқори технологик тиббий хизмат кўрсатишда давом этамиз, — дейди россиялик олий тоифали ортопед-травматолог Андрей Калинский.



Чаноқ сон ва тизза бўғимини тотал эндопротезлаш амалиёти бугунги кунда бутун дунёда энг кўп бажарилаётган операциялардан ҳисобланади. Дастлаб дунёнинг тиббиёти ривожланган мамлакатларидагина ўтказилган ушбу оператив муолажа бугун нафақат республика даражасида, балки вилоят марказларида ҳам муваффақиятли амалга ошириляпти.

— Чаноқ сон ва тизза бўғимида ўтказиладиган бундай мураккаб амалиётлар, биринчи навбатда, беморларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган. Кучли оғриқ инсоннинг ҳаракатини чеклаб қўяди, натижада бемор оқсаб юришни бошлайди. Бу нафақат меҳнат фаолиятига салбий таъсир этади, балки кундалик юмушларни бажаришда ҳам қийинчиликларни келтириб чиқаради. Оқибатда касаллик инсон учун ҳақиқий синовга айланади. Шифокор томонидан мураккаб жарроҳлик амалиёти физиотерапевтик муолажалар ва уқалаш фойда бермаганидан кейингина тавсия этилади. Йирик ҳажмдаги амалиётни айнан бу марказда юқори даражада ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд. Амалиётдан кейин бемор оғриқдан қутулади, одатий ҳаётга қайтади. Сунъий тана аъзолари вазифасини бажарадиган эндопротезлар хориждан келтирилгани боис, жуда қиммат туради. Давлатингиз томонидан аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу амалиёт учун маблағ ажратилаётганининг ўзи эътирофга арзийди. Бу фуқаролар саломатлиги ҳақидаги ғамхўрликнинг амалий ифодасидир, — дейди Андрей Калинский.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам аҳоли саломатлиги муҳофазасига қаратилган. Озарбайжонлик малакали ортопед-травматолог, вертебрологлари томонидан ҳам вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 100 нафарга яқин фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Мурожаат қилиб келганларга шифокорлар томонидан умуртқа поғонаси хасталиклари, жароҳатдан кейинги асоратларни самарали даволаш бўйича тавсиялар берилди.

— Юртингиздаги тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларга биз ҳам гувоҳ бўлдик. Шифо масканидаги тиббий жиҳозлар жаҳон андозаларига мос, — дейди озарбайжонлик шифокор Камил Эйвазов. — Бу эса даволаш самарадорлигини оширади. Аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифати юқори даражада экан. Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб жарроҳлик амалиётини бажариш бизга қийинчилик туғдирмади. Бу тиббий жиҳозларнинг замонавийлиги ва мутахассислар малакаси билан боғлиқ. Умуртқа поғонасида ўтказилган мураккаб амалиёт муваффақияти ҳамкорликнинг истиқболини белгилайди. Ҳақиқатан, ўхшаш томонларимиз, муштарак мақсадларимиз бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги бундай ҳамкорлик беморларни соғломлаштириш, шифокорларнинг эса ўзаро тажриба алмашишида ҳам муҳим ўрин тутади. Дунёнинг тиббиёти ривожланган давлатларида бундай мураккаб амалиётлар жуда юқори баҳоланади, уларни бажариш учун катта маблағ талаб этилади. Иқтисодий аҳволи танг бўлган беморлар йиллар давомида оғриқ азобидан қийналади. Бундай амалиётни хорижда ўтказиш учун етарли пулни йиғиш айрим кишилар учун жиддий муаммо.

Хориждан келтириладиган юқори қийматли протезлаш материаллари маблағи давлат томонидан қоплаб берилиши фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясининг амалий намунаси экани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда шифо масканларига хорижлик мутахассисларнинг келиши оддий ҳолатга айланди. Беморларнинг саломатлигини тиклашга бўлган ишончи ортди. Шифокорлар олдига қўйилган асосий вазифалардан бири фуқароларга қулайлик яратиш ва уларнинг яшаш манзилига яқин ҳудудда сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш имконини беришдан иборат. Бу борада ҳам вилоят ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида амалий ишлар олиб борилмоқда. Шаҳар ва туманларда юқори технологик мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда.

Албатта, соғлом ҳаётга қайтган юзлаб беморлар мамнунлигида тиббиёт ходимларининг ҳиссаси беқиёс. Соҳа вакилларининг ўз фаолиятидан қаноатланиши эса юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътибор самарасидир. Ғамхўрлик, ижтимоий ҳимоя, беморлар тақдири, эртанги кунига дахлдорлик ҳисси бугунги ислоҳотларнинг бош омили. Демак, инсон қадри ҳар қачонгидан баланд, азиз ва улуғвор.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

## 16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

**Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин энг катта бойлик, энг юксак қадрият жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# “ЎЗБЕКИСТОНДАДИР БАХТИМ, ТОЛЕИМ”

Бошланиши 1-бетда

Зеро, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси сафида ўзбек адиблари билан ёнма-ён тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва рус тилида ижод қилувчи ёзувчи, шоир, драматург, адабиётшунослар бор. Тузилма таркибида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, шунингдек, қозоқ, рус ва тожик адабиёти кенгашлари кўп йиллардан бери ишлаб турибди.

Анъанавий тадбир доирасида “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” мавзусида концертлар, қардош халқлар адиблари ва рассомларининг бадиий асарлари ва “Тасвирий ойна” фото кўргазмалари ўтказиляпти. Сана муносабати билан умумтаълим мактабларида энг яхши иншолар танловлари ўтказилгани, миллий либослар намойиши, бағрикенгликни тарғиб қилувчи шеърхонлик кечалари, олий таълим муассасаларида илмий-амалий ва маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилаётгани айни пайтда бағрикенгликнинг ҳар қачонгидан-да долзарблик касб этишини англашимизга хизмат қилади. Зеро, Қўмита зиммасига юкланган энг муҳим вазифалардан бири ҳам миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг тили, ўзига хос анъаналари, урф-одат ва расм-русумларини асраб-авайлаш, ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

### Қонун олдидаги тенглик — жипслашишнинг муҳим омили

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшяпти, ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаяпти. Янги қабул қилинган Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, ривожи учун шароит яратиш, мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги ва қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилди.

Миллатлараро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича 1917 йилдан бери 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат — 2 та қонун, Президентнинг 9 та фармони ва 8 та қарори, Олий Мажлиснинг 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, 2019 йил 15 ноябрда Президентимиз фармони билан Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси қабул қилиниши миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга замин яратди.

### Байрамларимиз биргаликда гўзал

Айни пайтда 156 та миллий маданий марказ фаоллари янги Ўзбекистонда ислоҳотларга салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида “Дўстлик уйлари” ташкил этилиб, фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Юртимиздаги турли миллатларнинг миллий маданий марказлари бизнинг умумхалқ байрамларимизда фаол иштирок этиши, фестиваллар, тадбирлар ўтказиши, ўзаро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Бугун турли миллат вакиллари, жумладан, рус, украин, белорусларнинг Рождество, Масленица, татар ва бошқирдларнинг Сабантўй, грекларнинг Охи, корейсларнинг Чхусок, полякларнинг ҳосил байрами — Дожинки, немислар бирдамлик куни сингари миллий байрамлар Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланмоқда.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида таълим 7 тилда, яъни ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларида олиб борилади. Теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилаётгани, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилаётгани юртимиздаги миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунасидир.



> **МАМЛАКАТИМИЗДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ 7 ТИЛДА, ЯЪНИ ЎЗБЕК, ҚОРАҚАЛПОҚ, РУС, ТОЖИК, ТУРКМАН, ҚИРҒИЗ ВА ҚОЗОҚ ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. ТЕЛЕ-РАДИО КЎРСАТУВ ВА ЭШИТТИРИШЛАР 12 ТИЛДА ЭФИРГА УЗАТИЛАЁТГАНИ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР 10 ДАН ОРТИҚ ТИЛДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАНИ ЮРТИМИЗДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИНИНГ АМАЛДАГИ НАМУНАСИДИР.**

### “Бағрикенглик ҳафталиги” кўп миллатли халқимизни янада бирлаштиради

Мамлакатимизда миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шароитлар яратиш, уларнинг фуқаролик бурчини ҳис этиши ва англаши, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мулоқот маданиятини ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётир.

Глобал ўзгаришлар жадал тус олган бугунги шароитда ҳаётнинг ўзи биздан юртимизда ҳукм сураётган миллий ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тотувлик ва бирдамлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни бузғунчи ёт ғоя ва оқимлар, ташқаридан кираётган салбий таъсирлардан асраш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Шу маънода, бу йилги тадбирларнинг мавзулари ўзгарган. Вазирлар Маҳкамасининг “Диний бағрикенглик” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, кўкрак нишони билан атоқли давлат ва жамоат арбоблари, диний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар ва етук уламолар, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар вакиллари, хорижий арбоблар ва олимлар тақдирланади. Бу йил 150 нафар ҳамюртимиз “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони соҳиби бўлди.

Юксак нишонга Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ходимлари ва милий маданий марказлар раислари ҳам сазовор бўлгани бизга ғурур бахш этди.

Ишончимиз комилки, **“Бағрикенглик ҳафталиги”** Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини янада бирлаштиради, минтақамиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлайди. Ўтаётган тадбирлар жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий ва дўстлик алоқаларини кенгайтириш, жаҳонда самимий бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш ва тараннум этишга хизмат қилади.

Қувонарлиси, юртимиздаги миллий маданият марказлари раҳбарлари бу борада муносабатларини самимий миннатдорлик тарзида билдирмоқда. Жумладан, Озарбайжон миллий маданият маркази раиси Мобил Мамедовнинг қуйидаги фикрларини айнан келтиришни жоиз топдик:

“Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, беғубор осмон, мунаввар кунларимизнинг қадр-қиммати, аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортди. Бундай тинч, осуда ҳаётнинг қадрига етайлик. Ана шу тинчлик, осойишлатик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга диёримизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган турли миллатларнинг бир заминда буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида хамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши бағрикенгликнинг ёрқин намунасидир”.

**Ғайратулла ШУКУРОВ,**
**Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари**



# ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИГА ХОС фазилат

**Ҳозирги нозик, айни пайтда ўта мураккаб шароитда миллатлараро тотувлик ва конфессияларaро ҳамкорликни таъминлашда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғояси муҳим аҳамият касб этади. Экстремизм, халқаро терроризм ва мутаассибликка қарши курашишда маърифатни тарғиб этиш ғояси дунё миқёсида бош мавзуга айланиб улгурди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани, уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётгани, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишига алоҳида эътибор қаратди.**

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқар экан, “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган... Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз”, дея таъкидлади.

Бугун юртимизда бу соҳада кечаётган ислоҳотлар дунё миқёсида намуна бўлаётир. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича қабул қилинган миллий стратегиямизда илгари экстремизм ғоялари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш масаласида ижобий ишлар қилинмоқда. Хусусан, “Меҳр” операциялари доирасида 530 нафардан зиёд юртдошимиз, аввало, аёллар ва болалар Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли низолар ҳудудларидан Ватанимизга қайтариб келиниб, уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Бу эзгу амалларни давом эттириш ва доимий тажриба алмашишни йўлга қўйиш учун БМТнинг Терроризмга қарши курашиш бошқармаси шафелигида уруш ҳудудларидан қайтганлар билан тизимли ишлаш бўйича минтақавий экспертлар кенгашини тузишга қаратилган амалий қадамлар ташланди.

Жорий йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Президентимиз аъзо давлатларни халқаро терроризм каби умумий таҳдидларга қарши курашда янада бирлашиб ҳаракат қилиш кераклигини, кейинги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этди. Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон етакчиси сессия иштирокчиларига диёримиз жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшгани, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуғ аллома ва мутафаккирлар ватани экани билан ҳақли равишда фахрланишини ҳамда мана шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда **“Ислом — тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Бугун халқаро терроризм, радикализм, экстремизм каби иллатлар чегара билмайди, бу жаҳон жамоатчилигида жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётир. Уларга қарши курашда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик борасида ҳамкорлик етакчи ўринни эгаллайди. Зеро, мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда миллий маданий марказларнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Турли миллат вакиллари ўз маданияти, тили, урф-одатларини ривожлантириб, бир-бирини ўзаро бойитишга, кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади. Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, дўстлик ва бирдамлик муҳити ҳукм суриши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ислоҳотлар дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу ҳақда германиялик мутахассис, фалсафа ва тарих фанлари доктори Герт-Рюдигер Вегмарсхаузнинг фикрлари диққатга молик. “Дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, қонли тўқнашувлар, асосан, турли динларга эътиқод қилувчи инсонларнинг диний дунёқарашдаги зиддиятлардан келиб чиқмоқда. Шундай экан, бошқа дунё халқлари ҳам худди Ўзбекистон аҳолисидек бағрикенг бўлса, бундай можароларнинг ечими ҳал бўлар эди. Мамлакатингизда дин борасида юритилаётган сиёсат жуда тўғри деб ўйлайман ва Ўзбекистоннинг тинчлик йўлидаги интилишларини доимо қўллаб-қувватлаб келаман”, дея таъкидлаганди у.

Бундай фикрларни италиялик Мария Лаура Конте ҳам билдирган: “Мен Ўзбекистондаги тинчлик ва тотувликнинг бош сабабини топгандайман. Бу ҳам бўлса, мамлакатингиздаги тинчлик ва тотувликни давлат ва халқ бирдек хоҳлаганидадир”.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик муҳити жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришида муҳим ўрин тутади.

**Мансур МУСАЕВ,**
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1146.
43313 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
ЎзА якуни — 21:32 Топширилди — 22:55